

«СУНАН ТЕРМИЗИЙ»НИНГ ШАРҲЛАРИ

Низомиддинов Ҳошимжон Муҳаммаджонович
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси докторанти
hoshimjonnizomiddinov@yandex.ru

Аннотация: Уибу мақолада “Сунан Термизий”нинг ўрта асрларда ёзилган шарҳлари ва у шарҳ китобларнинг муаллифларининг исм-шарифлари, яшаган даврлари ёхуд вафот этган йиллари ҳақида қисқача таҳлилий маълумотлар баён этилган. Шунингдек, уибу шарҳ китобларнинг йўналиши, қамрови, мукаммал ё маълум бир қисмини шарҳланганлиги борасида ҳам маълумот берилган. Қолаверса, “Сунан Термизий”нинг учта қисқартма ва сайланмалари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Шарҳ, сунан, жомиъ, асар, илм, китоб, муаллиф, аллома, сахих, Термизий, ҳадис, муҳаддис, фақиҳ, фикҳ.

Annotation: This article contains commentaries on the "Sunan Thermizi" written in the Middle Ages, and a brief analysis of the names, dates of birth and death of the authors of these commentaries. Also, this review provides information on the direction, scope, and full or partial review of the book. It also mentions his three abbreviations and selection of Sunan Termizy.

Key words: Treatise, sunan, society, knowledge, science-based, book, author, allama, sahih, Termiziyya, hadith, muhaddis, pre-jurisdictions, jurisprudence.

Аннотация. В данной статье представлена краткая аналитическая информация о комментариях «Сунана Термизи», написанных в средние века, в крации имена авторов этих комментариев, периоды их жизни или годы их смерти. Также в этом обзоре представлена информация о направлении, объеме, полном или частичном обзоре книг. Кроме того, упоминаются три сокращения и выделения «Сунана Термизы».

Ключевые слова. Комментарий, сунан, джами, работа, наука, книга, автор, аллама, сахих, Термизи, ҳадис, муҳаддис, правовед, фикҳ.

Имом Термизийнинг «Сунан Термизий» асарига Аллоҳ таоло мақбуллик бағищлаган бўлиб, у кейинги давр олимлари, аҳли илмлари томонидан қайта-қайта ўрганилган, тадқиқ ва таҳлил қилинган. Ҳозиргacha бу муқаддас анъана давом этиб келаётгани қувонарлидир. Асрлар давомида «Сунан Термизий» кўлёзмалари дунёning турли томонларига тарқаб кетган. Машхур ва моҳир хаттотлар уни қайта-қайта китобат қилганлар. Жумладан, Қуддусда яшаган Абу Наср ал-Мўтаман ас-Сожий (445 - 507/1053 - 1113) муҳаддис бобомизнинг мазкур тўпламини олти марта тўлиқ кўчириб чиққанлиги нақл қилинган.

Имом Термизийнинг «Сунан Термизий» асари матни илк бор Мисрнинг Булоқ шаҳрида 1292/1875 йили нашр қилингандар бўлиб, унинг ҳошиясида «ал-Азҳар»нинг уламоларидан Аҳмад ар-Рифоъий ал-Моликийнинг изоҳлари ўрин олган эди. Шундан сўнг Дехлида бир неча бор нашр қилингандар¹.

«Сунан Термизий»га қанчадан-қанча тажридолар, мустахражлар, ҳошиялар, мухтасарлар тузилган. Жумладан, Ибн ал-Кайсароний (448/1057 – 507/1114) «Сунан Термизий»нинг «атроф»ига бағишлиланган 10 жилдлик манба яратган. «Атроф» ҳадис китобларининг бир тури бўлиб, бугунги кундаги қўрсаткичлар туркумiga киритиш мумкин.

«Сунан Термизий»га битилган шарҳларнинг саноғини аниқлаш имконсиз. Мазкур шарҳлар ўрганилар экан, уларни нашр этилган, қўлёзма шаклида мавжуд, лекин чоп этилмаган ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолмаган каби учта туркумга тасниф қилиб ўрганиш мумкин. Олимларнинг асарларни шарҳлашда қўллаган услуб ва шартлари уларнинг оммалашуви ва эътироф этилишида мухим омил ҳисобланади. «Сунан Термизий»га нафақат аҳли суннат ва жамоат олимлари, балки ундан ташқари бўлган тоифа вакиллари томонидан ҳам шарҳ ва таълиқлар битилганини айтиб ўтиш ўринли. Лекин асарга битилган шарҳ ва таълиқларнинг кўпчилиги аҳли суннат ва жамоатнинг энг катта ва салмоқли мазҳаби – ҳанафийлик олимлари ҳиссасига тўғри келади. Шарҳларнинг аксарияти борасида бу ерда маълумот беришни лозим топилди:

1) «Шарҳ Жомеъ Термизий». Унинг муаллифи «ал-Ҳоким ал-Кабир» лақаби билан танилган Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Найсабурий ал-Каробисий (285/898 – 378/988) дир. Ушбу шарҳ бизнинг кунимизгача етиб келмаган бўлиб, «Сунан Термизий»га битилган илк шарҳлардан бири ҳисобланади. Ал-Ҳоким ал-Кабир ан-Найсабурий раҳимаҳуллоҳ бир муддат қадим Шош – Тошкентда козикалон бўлиб фаолият олиб борган.

2) «Оризату-л-аҳвазий би-шарҳ «Саҳиҳ Термизий». Бу шарҳнинг муаллифи моликий мазҳабининг таниқли фақиҳи ва муҳаддиси Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн ал-Арабий ал-Муъофирӣ ал-Ишбилий (468/1076 – 546/1151) бўлиб, у зот «Ибн ал-Арабий ал-Моликий» номи билан танилганлар². Шарҳ анча батафсил бўлиб, асосан, унда муаллиф Абу Исо Термизийнинг фикҳга оид фикрларини шарҳлашга ва уларни тўлдиришга эътибор берганлар. Шунингдек, шарҳда ҳар бир ҳадис тўрт жиҳатдан таҳлил қилинган:

- Ҳадис исноди таҳлил қилинган;
- Ҳадис матни наҳвий жиҳатдан кўриб чиқилган;
- Ҳадисдан олинадиган фикҳий хукмлар таҳқиқ этилган;

¹ Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.335..

² Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.336.

– Ақидавий жиҳатига эътибор қаратилган. Шунинг учун кейинги даврнинг барча мұхаддис шориҳлари ушбу асарга мурожаат этгандар.

Шунингдек, «Оризату-л-аҳвазий»да «ал-Илалу-с-сағир» асари ҳам шарҳланган.

Китоб 1299/1882 йили ва 1350/1931 – 1352/1933 йилларда Конипур ва Қохира шаҳарларида 13 жилдда ҳамда 1997 йили Байрут шаҳрида жойлашган машхур «Дору-л-күтуб ал-илмия» нашриётида 14 жилдда чоп қилинган.

3) «Ан-Нафху-ш-шазий фий шарҳ «Жомеъ Термизий». Бу шарҳнинг муаллифи Ҳофиз Абу-л-Фатҳ Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Яъмурий (671/1273 – 734/1334) бўлиб, у зот «Иbn Сайид ан-Носс ал-Андалусий» номи билан машҳур. Бу шарҳ кенг тарқалган бўлса да, муаллиф уни охирига етказа олмаган.³ Яъни Ибн Сайид ан-Носс «Жомеъ Термизий»ни бошидан 316 та ҳадисни шарҳлашга улгурган. Тадқиқотчилар мазкур шарҳ агар охирига етказилганида, «Жомеъ ас-Сунан»нинг энг мукаммал ва энг муфассал шарҳларидан бири бўлар эди дегандар. Гарчанд у ўн жилдан иборат шарҳ битган бўлса да, унинг охирига етказиш учун фурсат топмаган. Шарҳнинг бунчалик чўзилиб кетишлигининг боиси шундаки, муаллиф ўз асари доирасини фақат ҳадис фанига алоқадор масалалар билан чекланиб қолмай, балки унга бошқа фанларга доир маълумотларни ҳам киритган.

Аллома Чалабий шундай деган: «Агар муаллиф ўз шарҳида фақат ҳадис фани билан чегараланганда эди уни тамомига етказар эди, лекин у (муаллиф) Аллоҳга ҳамд айтамизки, ҳимматли иш қилган. Сўнгра ундан қолганларини охирига етказган ал-Ҳофиз Зайнуддин Абдураҳим ибн Ҳусайн ал-Ироқий бўлиб, «ал-Алфия»⁴ нинг муаллифи (ваф. 1403)дир. Бу китобнинг тўлиқ бир нусхаси Мадинаи Мунавварадаги кутубхонада сақланади⁵.

4) «Такмила «ан-Нафху-ш-шазий». Ушбу шарҳ юқорида айтилган Ибн Сайид ан-Носснинг «ан-Нафху-ш-шазий» номли шарҳининг тўлдирувчиси ҳисобланади. Асар Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Ҳусайн ал-Ироқий ал-Курдий (725 – 806/1325 – 1404) қаламига мансуб. Зайниддин ал-Ироқий мазкур шарҳни ҳақиқий шориҳнинг услубида давом эттириб охирига етказишга ҳаракат қилиб кўрган. Лекин у зот ҳам уддасидан чиқа олмаган, вафоти туфайли бу шарҳ ҳам охирига етмаган.

5) «Шарҳ завоид Термизий ъала-с-Саҳиҳайн». Ушбу шарҳ муаллифи Сирожуддин Абу Ҳафс Умар ибн Али ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Андалусий (723 – 804/1323 – 1402) «Ибн ал-Мулаққин» куняси билан танилган. Китобда Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳих ҳадислар тўпламларида келтирилмаган ҳадислар шарҳ қилинган. Шунингдек, «Сунани Абу Довуд»да келмаган ҳадислар шарҳига катта эътибор қаратилган.

³ "Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эҳё ат-туроқ ал-арабий, 2004. – Б.320.

⁴ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асмомил кутуб вал-фунун. – Истанбул: Дорус-салом.1941- 43. Ж. 1, 2. –Б.122.

⁵ Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.337.

6) «Шарҳ ал-Хофиз Ибн Ҳажар». Бу шарҳ таниқли мұхаддис, ўзининг «Саҳиҳи Бухорий»га битган «Фатҳ ал-Борий» номли мұкаммал ва муфассал шарҳи билан шұхрат қозонған олим Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (ваф. 1148)нинг қаламига мансуб. У зот «Фатҳ ал-Борий» асарида мазкур шарҳини әслатиб ўтган.⁶ Лекин ҳозиргача машхур шарҳнинг құлөзмаси топилиб, нашр қилинған әмас. У алломанинг «ал-Лубоб фий шарҳ қавл Термизий «ва фи-л-боб» номли асари ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, Имом Термизий томонидан ҳар бир мавзуда кимлар ҳадис ривоят қилганига ишора қилиб кетилган. «Ал-Лубоб» ушбу ишора қилинған ҳадислар таҳрижи ва шарҳига бағишлиланған.

7) «Шарҳ ал-Булқиний». Абу Ҳафс Сирожуддин Умар ибн Руслон ибн Насир ал-Мисрий ал-Киноний ал-Асқалоний ал-Булқиний (724 - 805/1324 – 1403) асари бўлиб, у зот Мисрда қози ва муфтий бўлған⁷. Шарҳ «ал-Арф аш-шазий ѭала «Жомеъ Термизий» деб аталған. Бироқ у охирига етказилмай қолған. Муаллиф шофеъий мазҳаби уламоларидан бўлиб, Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг устози ҳисобланади.

8) «Шарҳ ибн Ражаб». Бу асар ҳанбалий мазҳаби олими Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Ражаб ал-Ҳанбалий (736 - 795/1336 - 1393)ницидир. «Табақоти ҳанобила» ҳамда «ал-Қавоид ал-ғиқхия» асарлари билан ҳам шұхрат қозонған. «Кашф аз-зунун» асарида айтилишича, ушбу шарҳ йигирма жилд бўлған ва фитна пайтида ёниб кетган.⁸ Мазкур шарҳнинг бир қисми ва «Сунан Термизий»нинг иловаси бўлмиш «ал-Илал ас-сағир»га битилған шарҳ сақланиб қолған.

9) «Қут ал-Муғтазий». Жалолиддин ас-Суютий (ваф. 1505) нинг ушбу асари «Сунан Термизий»га ёзилған шарҳларнинг энг ихчамларидан ҳисобланади. Унинг Хинди斯顿 ва араб диёrlарида бир қанча нашрлари мавжуд. Бу ҳақда Ҳожи Ҳалифанинг «Кашф аз-зунун» асарида ҳикоя қилинади. Жалолуддин ас-Суютий ушбу шарҳида Термизийнинг «Сунан» асарини юқори баҳолаб уни қуидагича таърифлайди: «Имом Термизийнинг «Сунан» асари бобларга бўлинған. Бу ҳам бир илм. Асардаги ғиқх — хуқуқшунослик масалалари ҳам бир илм. Саҳиҳ билан сақим (касал, саҳиҳмас)ни ажратувчи илал (иллатлар, сабаблар)ни айтиши ҳам бир илм. Уларнинг ўртасидаги ҳадис турларини зикр этиш ҳам бир илм. Ровийларнинг номлари ва лақаблари ҳам алоҳида бир илм. Жарҳ ва таъдийл, Расулуллоҳни топған ва топмаган ровийларни белгилаш иснодли ривоят. Унда келтирганларнинг ҳаммаси ижмолий илм турларидир. Аммо тағсилийси жуда ҳам кўп. Хуллас, бу асарнинг қимматли жихатлари мажмуалар тўпламидир».⁹

10) Мағриб уламоларидан Али ибн Сулаймон ад-Димноний ал-Бажмаъвий ал-Мағрибий ал-Моликий аш-Шозилий (1234 - 1306/1819 - 1888) «Қут ал-муғтазий»га

⁶ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий, 1-жилд. – Риёз: Дору Тайиба, 2005. – Б.563.

⁷ Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.338.

⁸ "Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эхё ат-турос ал-арабий, 2004. – Б. 559.

⁹ "Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эхё ат-турос ал-арабий, 2004. – Б. 375

ҳошия ёзіб, кенг изохлаб чиққан. Уни «Нафъ Күт ал-муғтазий» деб номлаган. Муаллиф аллома Жалолуддин ас-Суютийнинг олдин зикри ўтган шархини мухтасар ҳолга келтириб, китоб аслининг фойдали томонларига бир қадар халал етказганки, китобнинг номи «Нафъ Күт ал-Муғтазий» ибораси маъносини йўқотган. Бу асар Коҳира ва Дехлида чоп этилган¹⁰.

11) «Шарҳ Жомеъ Термизий». Бу шархнинг муаллифи «Муҳийй ас-сунна» ва «ал-Фарро» лақаблари билан танилган Абу Муҳаммад ал-Хусайн ибн Масъуд ал-Бағавий (436 – 510/1044 – 1117) саналади. У зот «Мишкот ал-масобеҳ»нинг асли бўлмиш «Масобеҳ ас-сунна» асари билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, тафсирга оид «Маолим ат-танзил» номли тафсири машҳур. Олимнинг «Сунан Термизий»га битган шарҳи айтилган бўлса да, ҳалигача топилиб нашр қилинмаган.

12) «Шарҳ Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Фаттаний». Маждууддин Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Али ал-Ҳанафий ал-Фаттаний ал-Гужаротий (913 – 986/1508 – 1579)нинг шарҳи. У зот ҳинди斯顿лик таниқли муҳаддислардан биридир. У зот ўзининг мавзуъ ҳадисларга бағишлиланган «Тазкират ал-Мавзуъот» асари билан шуҳрат қозонган. У зот «Сиҳоҳи сittta»нинг ғариб, нодир ва ноёб сўzlари шарҳига бағишлиланган «Мажмаъ биҳор ал-анвор фий ғаройиб ат-танзил ва латоиф ал-ахбор» номли китобида Имом Термизий раҳимаҳуллоҳнинг «Сунан Термизий» асарига алоҳида шарҳ битганини қайд қилиб қолдирган. Бироқ бу шарҳ ҳозиргacha топилган эмас.

13) «Шарҳ ас-Синдий». Абу Тайиб Раҳматуллоҳ ас-Синдий (ваф. 993/1585) томонидан битилган шарҳ, у зот «Лубоб ал-маносик» асари билан шуҳрат қозонган. «Сунан Термизий»га битган шарҳи Мисрда нашр қилинган.

14. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий» аш-Шайх Абул-Ҳасан ибн Абдулҳодий ас-Санадий ал-Мадиний (ваф. 1728) битган бу шарҳ жуда гўзал бўлиб, муаллиф уни ал-Ҳарам аш-Шарифда (Маккада) таълиф этган. Асар қирқ қисм (жузъ)дан иборат¹¹.

15. «Шарҳ ал-Жомиъ лит-Термизий»нинг муаллифи аллома Абу ат-Тайиб (Муҳаммад ибн ат-Тайиб) ас-Санадий ал-Мадиний (ваф. 1698), бу шарҳ араб тилида «би қавлиҳи» «вақавлуху» дейилиб, унинг бир қисми чоп ҳам этилган.

16) «Шарҳ Сирож Аҳмад». Мазкур шарҳ 1230 /1815 йилда вафот этган Шайх Сирож Аҳмад ас-Сарҳиндий ал-Ҳанафий қаламига мансуб бўлиб, Конипурда 1295/1878 йили нашр этилган. У форс тилида битилган шарҳ ҳисобланади.

17) «Жоизат аш-Шаъузий» номли шарҳ аллома Бадиӣ уз-Замон (ваф. 1892) қаламига мансуб. Бу асар «Жомиъ Термизий»нинг урду тилига ағдарилган тафсирли таржимасидир.

¹⁰ Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.339.

¹¹ Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. – Б.340.

Дунёнинг кўплаб олимлари «Сунан Термизий»дан олиб мустақил равища қисқартма ва сайланмалар битганлар. Жумладан, улардан учтаси ҳакида манбаларда маълумот келтирилган:

1) «Мухтасар Жомеъ Термизий». Ушбу мухтасар муаллифи Нажмуддин Сулаймон ибн Абдулқавий ибн Абдулкарим ал-Бағдодий ал-Ҳанбалий бўлиб, 657 - 716 ҳижрий, 1259 - 1316 милодий йилларда яшаган. У зот «Иbn ас-Сарсарий» куняси билан танилган.

2) «Мухтасар Жомеъ Термизий». Ушбу мухтасар муаллифи 729 ҳижрий, 1329 милодий йилда вафот этган Нажмиддин Муҳаммад ибн Ақил ал-Болисий аш-Шофеъийдир.

3) «Ал-Мунтақот». Унда «Сунан Термизий»дан юзта узун ҳадис танлаб олинган. Мазкур асар муаллифи «Салоҳиддин ал-Алоий» номи билан шуҳрат қозонган, 694 – 761 ҳижрий, 1295 – 1359 милодий йилларда яшаган Абу Саъид Халил ибн Кекалди ад-Димишқий ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бу шарҳлар ҳанафий мазҳаби, Мотуридий таълимотига мувофиқ битилгани билан ажралиб туради ва улар ана шу жиҳатидан араб юртларида битилган шарҳлардан кўра афзалликларга эга. «Сиҳоҳи сittа» – олтида саҳих ҳадислар тўпламлари орасида «Сунани Термизий»да ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ келувчи ҳадислар кўп учрайди. Мазкур асарни ҳанафий мазҳаби, Мотуридий таълимотига уйғун ҳолда шарҳлаш ишлари эса Ҳинд-Синд диёрларида ҳозирги кунимизгача тўхтамай давом этиб келмоқда. Ушбу шарҳларни тадқиқ ва таҳлил этиш буюк ватандошимиз, улуғ муҳаддис Имом Термизийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини илмий ўрганишда аҳамиятли экани шубҳасизdir.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий, 1-жилд. – Риёз: Дору Тайиба, 2005. – Б.563.
2. Ҳожи Халифа. Каشف аз-зунун. 1-жилд. – Байрут: Дор эхё ат-турос ал-арабий, 2004. – Б.320.
3. Ҳожи Халифа. Каشف аз-зунун ан асмомил кутуб вал-фунун. – Истанбул: Дорус-салом.1941- 43. Ж. 1, 2. –Б.122.
4. Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Ҳ.Абиев, Б.Абдуллаев. “Шарҳ Сунан Термизий”. – Тошкент:Ирфон Нашр. 2021. --Б. 400.